

ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ ЗАМОН ВА МАКОН КЕСИМИДА

Муяссархон АЧИЛДИЕВА

катта ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

muyassar1903@gmail.com

Orcid: 0000-0002-0363-045X

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг бой мусиқа маданияти, тарихий ва маданий ўзгаришлар, шунингдек, миллий анъаналарнинг замонавий мусиқа санъатига қандай таъсир кўрсатгани ёритилган.

Таянч сўзлар: ўзбек мусиқаси, мусиқа санъати, тарих, маданият, замонавий мусиқалар, этник мусиқалар, глобализация, мусиқа таъсири, мусикий анъаналар, ижтимоий ўзгаришлар, жаҳон мусиқаси, миллий мусиқалар.

УЗБЕКСКОЕ МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО В КОНТЕКСТЕ ВРЕМЕНИ И ПРОСТРАНСТВА

Муяссархон АЧИЛДИЕВА

Старший преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

muyassar1903@gmail.com

Аннотация

Данной статье рассматривается богатая музыкальная культура Узбекистана, исторические и культурные изменения, а также влияние национальных традиций на современное музыкальное искусство.

Ключевые слова: узбекская музыка, музыкальное искусство, история, культура, современная музыка, этническая музыка, глобализация, влияние музыки, музыкальные традиции, социальные изменения, мировая музыка, национальная музыка.

“Замон ва макон” тушунчаси ҳамда муаммоси барча даврларда олимлар, ёзувчилар оддий инсонларнинг диққат марказида бўлган. Турли даврларда вақт тушунчасига турлича фикрлар, изоҳлар берилган. Мисол учун машҳур рус олими С.В. Ожегов тузган рус тилининг изоҳли луғатида шундай дейилади: Время, -мени, мн. –мена, -мен, -менам, ст. 1. Одна из форм (наряду с пространством) существования бесконечно развивающейся материи – последовательная смена ее явлений и состояний. Вне времени и пространства нет движения материи [5;23].

Замон категорияси материянинг мавжудлик шакли бўлиб, моддий жараёнларнинг макон ва замонда кенг ёйилиши изчиллигини, бу жараёнларнинг турли босқичлари, бир-биридан ажралганлиги, уларнинг давомийлиги ва тараққиётини билдиради. Барча воқеа-ҳодиса ўз ўтмиши, ҳозир, келгусига эга. Нарса ва ҳодисаларнинг баъзи бирлари аввалроқ, бошқалари кейинроқ содир (мавжуд) бўлади. Мазкур ҳолат эса замон тушунчаси билан ифодаланади.

Муסיқа, аввало, бир миллатнинг тарихий юксалиши, инқирози ёки ижтимоий ўзгаришларини акс эттирувчи санъат шаклидир. Ўзбек муסיқасининг ривожланишига тарихий жараёнлар, сиёсий ўзгаришлар, маданий алоқалар ва глобализация сезиларли таъсир кўрсатган. Шунингдек, муסיқа ва унда акс этган образлар миллатнинг дунёқараши, қарашлари, қадриятлари ҳақида ҳам маълумот беради.

Ўзбек муסיқасининг тарихий ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, бу санъат асрлар давомида ривожланиб, қўшиқ ва муסיқанинг турли шакллари орқали халқнинг руҳий ва ижтимоий ҳолатини акс эттирган. Масалан, *Хоразм, Бухоро, Фарғона* каби минтақаларда ўзига хос муסיқий анъаналар шаклланган. Ўзбек муסיқа санъати бутун Марказий Осиё ҳудудида ўзининг анъанавий жанрлари, масалан, қўшиқ, ашула, катта ашула, *мақом, шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона–Тошкент мақом йўллари* ва бошқалар билан машҳурдир.

Замон кесимида, муסיқанинг ривожига фақат муסיқий шаклларнинг ўзгариши билан боғлиқ эмас. Муסיқанинг шаклланиши ва халқ орасида унинг таъсирини кучайтирган энг муҳим факторлардан бири — бу Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар бўлди. Мустақилликдан кейин ўзбек муסיқаси, анъанавий муסיқанинг сақланиши ва модернизацияси масалалари кесишган бир даврни бошидан кечирди. Бир томондан, халқ муסיқаси ўзининг ўзига хос шакллари қабул қилган, бошқа томондан эса, замонавий технологиялар ва глобал муסיқий маданият ўзбек муסיқасини глобал майдонда танитишга ёрдам берди. Мисол учун, *эстрада* ёки *pop-*

мусиқа жанрларининг Ўзбекистон мусиқа маданиятига кириб келиши, ўзбек халқ мусиқасининг маълум қиёфасини кўрсатади.

Мусиқанинг макон билан боғлиқлиги нафақат унинг ижро этилиш жойи, балки мусиқанинг киритилиши ва таъсири билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ўзбек мусиқаси кўплаб турли ижтимоий ва маданий қатламларда мавжуд бўлиб, бу мусиқанинг ҳар бир макон билан боғланишида ўзига хосликни намоён этади.

Ўзбек мусиқасининг макон ва ижтимоий жамиятда қандай ўрин тутиши ҳақида фикр юритганда, икки асосий жиҳатни кўриб чиқиш мумкин:

Анъанавий макон: Бу макон қишлоқ ҳаёти, анъанавий урф-одат ва маросимларни ўз ичига олади. Бу маконда мусиқанинг аҳамияти халқнинг оғзаки маданияти, урф-одатлари, диний ва этник эътиқодларини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳар макони: Ўзбекистонда шаҳар маданияти ва замонавий маконлар мусиқанинг ривожланишига янги йўналишлар яратди. Шаҳар ҳаёти, туризм, ва глобал алоқалар янги музикаий шакллари вужудга келтирди. Бунда халқ мусиқасининг янги жанрлар билан, масалан, *эстрада музикаси* ёки *электрон музиканинг* элементлари билан уйғунлашиши муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув жараёни жадал кечаётган ҳозирги кунда анъанавий маданиятининг етакчи соҳаси бўлмиш анъанавий мусиқасининг ана шундай тарбиявий, амалий аҳамияти ғоят муҳим. Агар жаҳон миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, дунё анъанавий маданиятида оғзаки ижодкорлик ва ижрочилик санъатига бурилиш, айниқса, анъанавий музика намуналарининг тарбиявий қувватидан куч олишга интилиш тамойили устуворлик қилаётганлигини кўриш мумкин. Биз юксак технологиялар замонида, илмий тафаккур ғоят тараққий этган бир даврда яшаймиз. Шу боис, глобаллашув жараёни ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб борар экан, мафкуранинг аҳамияти ҳам шу қадар ошиб бораверади [4;136].

“Ўзбек мусиқа санъати” тушунчаси Ўзбекистоннинг ўзига хос мусиқа анъаналарини белгилаб берувчи турли унсурларни ўз ичига олади. Бу мамлакат тарихи, маданияти ва географиясидан кучли таъсирланган анъанавий, халқ ва мумтоз мусиқа услубларининг хилма-хиллиги ва уйғунлиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, “ўзбек мусиқа санъати” тушунчаси Ўзбекистоннинг анъанавийдан тортиб, замонавий услубларгача бўлган бой ва ранг-баранг мусиқа анъаналарини ўз ичига олади. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос мусиқий ўзига хослигини таъкидлаб, мамлакатнинг маданий мероси, ижодкорлиги ва бадиий ифодасининг аксидир.

“Ўзбек мусиқа санъати” деганда, фикримизча, ўтмишдан мерос бўлиб қолган, даврлар силсиласида шаклланиб, сайқалланиб «устоз–шогирд» ижодий мактаби асосида, оғизаки тарзда ўтиб келган, нодир миллий мусиқий мерос намуналари, бастакорлар, ҳофизу созанда (мутриб ва муғаннийлар!) томонидан басталанган мусиқий навлар (мақом, достон, кўшиқ, ашула, катта ашула) тушунилади.

Ўзбек халқининг кўхна ва бой мусиқа маданияти асрлар оша қудратли маънавият манбаи бўлганлиги ўтмиш тарих зарварақларидан маълум. Бинобарин, миллий қадриятларни ажойиб анъаналар орқали ўзида мужассам этган миллий мусиқамиз хазинаси ҳанузгача бадиий-эстетик қимматини йўқотмасдан келмоқда. Анъанавий мусиқанинг айтим-ашула (сўз, куй ва ижро) ва чолғу йўллари (чолғу, куй ва ижро усули) уйғунлиги ва тарихнинг чинакам акс садоси бўлиб доимо сақланади [3;10].

Ўзбек мусиқасининг жанрлар тизими ғоят ранг-баранг бўлиб, тарихий асослари қадим аجدодларимиз бадиий тафаккури кашфиётларига бориб тақаладиган ҳамда маънавий қадриятлар силсиласида анъанавий маданият билан боғлиқ бўлган миллий ўзбек мусиқаси ижодиёти муҳим ўрин тутди. Асрлар оша юксак даражада тараққий этганлиги учун ҳам ушбу бадиий ижодиётнинг ўзига хос

локал услублари ва ижро усуллари келиб чиққан [1;5-6]. Ушбу асосда халқ орасида болалар маросим кўшиқлари ва чолғу оҳангларидан тортиб, мақом туркумларигача ижодиёт ва ижрочилик намуналари кўп асрлар давомида созандаю-хонандалар ва бастакорлар томонидан ижод этиб келинган. Шу боис чолғу ва айтим-ашула йўллари авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга оғзаки анъанада ўтиб, ўзлаштирилиб, сайқал топиб ҳозирги кунгача ривожланиб келмоқда.

Ўзбек мусиқа санъатини бугунги кунда категориал нуқтаи назаридан икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин.

1. *Ўзбек анъанавий мусиқаси.*
2. *Касбий (профессионал) мусиқа.*

Анъанавий мусиқанинг бир неча тушунчалари мавжуд. Бу – халқ мусиқаси, оғзаки мусиқа–поэтик ижод, халқ мусиқа ижоди, классик мусиқа, мусиқа мероси, оғзаки анъанавий профессионал мусиқа, фольклор мусиқаси, касбий мусиқа ва ҳ. Аммо ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг анъанавий мусиқа мероси иккита йирик қатлам бўлмиш, халқ (халқ мусиқа ижоди ёки мусиқа фольклори) ва мумтоз (оғзаки профессионал) мусиқасидан иборат бўлиб, ҳар бири чолғу ва айтим-ашула йўлларида, улар эса ўзига хос жанрлар таркибидан ташкил топган.

XIX аср охири – XX аср бошларида анъанавий мусиқа намуналарини тўплаш ва ёзиб олиш фаолияти билан шуғулланган рус ва хорижий капелмейстер (А.Эйхгорн, В.Лейсек, Н.Миронов)лари, рус композиторлари ва ўзбек бастакорлари (В.Успенский, А.Козловский, Г.Мушел, А.Четвертаков, Е.Романовская, Ил.Акбаров, Юнус Ражабий, М.Юсупов ва б.); Санъатшунослик институти ва консерваториянинг фольклор экспедициялари материаллари; В.Беляев, Т.Визго, Ф.Кароматли, И.Ражабов, К.Аҳмедова-Олимбоева, М.Аҳмедов, Т.Ғофурбеков, Ю.Кон, О.Матёқубов, Р.Абдуллаев, Р.Юнусов, О.Азимова, А.Жумаев, А.Назаров, С.Бегматов, О.Иброҳимов ва б.

илмий асарлари асос бўлган. Ушбу ишда халқ ва мумтоз ижодиёти жанрларига бағишланган А.Фитрат, М.Ҳарратов, Зиё Саид, Ҳоди Зариф, Т.Мирзаев, М.Алавия, Б.Саримсоқов, М.Жураев ва бошқа олимларнинг илмий асарларидан ҳам фойдаланилган.

Муסיқа нафақат эстетик завқ учун, балки ижтимоий ва фалсафий маънода ҳам катта ўринга эга. Ўзбек муסיқаси, айниқса, халқ муסיқаси, жамиятнинг руҳий ҳолатини, ўзгаришларини, жамиятдаги ижтимоий катламларни акс эттирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Фалсафий жиҳатдан, муסיқа инсоннинг руҳий ҳолатини ифодалайди, у орқали халқ ўзининг азалий қадриятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Муסיқанинг фалсафий аҳамияти, айниқса, унинг туйғуларни ифодалашдаги кучида намоён бўлади. Мисол учун, мақом муסיқий нав сифатида, ўзининг мураккаб тузилмалари ва қомусий акс-садоси билан инсоннинг ички кечинмаларини, маънавий изланишларини, ҳатто трансцендент муаммоларни ифодалайди.

Шу ўринда, “трансцендент” атамасига тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу атама фалсафий ва диний контекстларда ишлатилади. У, одатда, *инсоннинг оддий ва кундалик тажрибалари ва тушунчаларидан ташқарида бўлган нарсаларни* англатади. Бу, ўз навбатида, инсон ақлидан ва дунёқарашидан ташқаридаги борлиқ ёки ҳақиқатни ифодалайди.

Фалсафада “трансцендент” деганда, инсоният томонидан тўлиқ тушунилмаган, лекин мавжуд бўлган, буни одамлар фақат чекланган даражада идрок эта оладиган нарса тушунилади. Масалан, *трансцендентали ҳақиқат* – бу маълум бир мавжудот ёки борлиқнинг асл моҳияти, уни оддий ақл билан тўлиқ англаб бўлмайди.

Диний жиҳатдан эса, трансцендент кўпинча ўлимдан кейинги ҳаёт ёки юксак маънавият билан боғланади, яъни инсоннинг ер юзидаги ҳаёти билан бевосита алоқаси бўлмаган, лекин мавжуд бўлган руҳий ёки илоҳий ҳақиқатни билдиради [1;23].

Муסיқа истилоҳида, трансцендент сўзи, кўпинча, муסיқанинг инсоннинг кундалик тажрибасидан ташқарида бўлган, руҳий ёки маънавий

туйғуларни уйғотиши, юқори маънавий ҳолатларга олиб келиши ҳақида гапирганда ишлатилади. Масалан, мақом мусиқий тур сифатида, унинг чуқур ва мураккаб тузилмалари билан, одамни трансцендент тажрибаларга етаклаши мумкин, яъни бунда оддий дунёкарашдан юқори бўлган рухий ҳолатларни ҳиссий ёки маънавий даражада сезиш тушунилади [2;7].

Умуман олганда, трансцендент – бу инсоннинг чегараларидан ташқаридаги, одатий тажрибалардан юқори ёки бошқа бир ўлчамдаги ҳақиқат ёки ҳолатдир.

Муסיқа, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар ва янгиликлар билан ҳам ўзаро боғлиқ. Масалан, ўзбек эстрада муסיқаси ва унинг таъсири кўплаб ёшлар учун янги умид, ижтимоий ва маданий янгиланишларни англатади. Бу ҳолат, ўз навбатида, ўзбек муסיқасининг замонавий ривожланишига, анъанавий ва янги шакллар орасидаги конфликт ва уйғунликни кўрсатади.

Шундай қилиб, ўзбек муסיқаси замон ва макон кесимида ўзига хос ривожланиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Унинг ижтимоий ва фалсафий аҳамияти жуда катта. Муסיқа нафақат ижтимоий ҳолатни акс эттирувчи восита, балки инсониятнинг рухий ва маънавий ҳолатини ифодаловчи бир тилдир. Муסיқанинг замонавий шаклларига ўтиш жараёнида, анъанавий ва замонавий шакллар орасидаги узвий боғлиқлик, ўзбек муסיқа санъатининг ўзига хослигини янада кучайтирди. Муסיқа, албатта, жамият мураккаб тузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, у ўзининг фалсафий ва ижтимоий бойлигига эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арнольд И.В. Лексическо-семантическое поле в языке и тематическая сетка текста II текст как объект комплексного анализа в вузе I Сб. статей. – Ленинград, 1984.
2. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград, 1977

3. Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемных языках: Автореферат докторской диссертации. – Ташкент, 1993.

4. Туленов Ж., Гафуров З. Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

5. Ҳикматов Ҳ. Макон ва замон тушунчаларининг Навоий ва Шекспир асарларидаги бадиий инъикоси. Academic Research in Educational Sciences. Volume 3 | Issue 11 | 2022, ISSN: 2181-1385, Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 | ASI-Factor: 1,3 | SJIF: 5,7 | UIF: 6,1.